МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 11 январь, №4 (971)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**АдиловМирсамад** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Арипов Шамсиддин Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Камалов Атабек Мадамбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Норпулатов Шухрат Шерпулатович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**«Дўстлик» ордени билан**

**Чернишев Дмитрий Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**«Мардлик» ордени билан**

**Жолшимов Ринат Дариябаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Иралиев Шокир Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузибоев Бехзод Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ташпулатов Турсунпулат Турсунюлдашевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тоиров Санъат Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Умрзоков Абдурашид Абдухалилович** (марҳум) — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль—пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси батальони милиционер—кинологи

**Халилов Содиқ Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хратов Рауф Ходиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Элмуротов Жахонгир Умурзакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Жасорат» медали билан**

**Абдуразаков Акмал Бахрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Абдуразаков Сарвар Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахимов Асом Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдурахманов Марат Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аскаров Азиз Насвалиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Балтаев Мансур Равшанбекович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**(Давоми 2-бетда.)**

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



## Ватан маънан жасоратли мардлар ҳимоясида

**Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, унинг келажакда мард ва жасур, қўрқмас ва ёвқур йигит бўлиб улғайишини ният қилишади.**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Азалдан кураш, тош кўтариш, от чоптириш, ёй тортиш каби миллий ўйинлардан айнан ўғил болаларни жисмонан чиниқтириш, руҳан тоблаш мақсадида фойдаланган халқимиз инсон маънавий оламининг кучию қудратини унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини қандай ҳис этиши билан ўлчаши ҳам бежиз эмас. Зотан, юрт тинчлиги, она-Ватан озодлиги, сарҳадлар дахлсизлиги учун курашганлар — маънавий жасорат кўрсатганлар миллатнинг фахру ифтихоридирлар.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавий жасорат туйғусига алоҳида тўхталиб: «Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани шубҳасиз», дея таъкидлайди.

Бугун ҳам мамлакатимиз Қуролли Кучлари ана шундай ўктам ўғлонлар билан бойиган. Ватанга таянч, суянч ва қалқон йигитларни вояга етказишни ҳар бир она шараф деб билади. Мурғак гўдаклигидаёқ юрт ҳимоячиси бўлишга аҳд қилган ўғлонлар сони эса йил сайин ортиб бормоқда.

2 »

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Тизимли малака ошириш — давр талаби

**Обод турмуш йили фуқаролар йиғинлари мавқеини юксалтиришда муҳим давр бўлди. Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари соҳасига доир янги таҳрирдаги 2 та қонуннинг қабул қилиниши ушбу институтнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини янада кучайтирди.**

**Низомиддин ЁҚУБОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими масъул котиби.**

Фуқаролар йиғинларида меҳнат қилаётган кадрларнинг билим ва малакасини оширишга кўмаклашиш, жамоатчилик назорати, маданий-маърифий ишларни кенг қамровда амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда маҳаллаларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўтган йили ушбу вазифани амалга оширишда Фонднинг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан қатор ишлар олиб борилди. Ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Устави асосида фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний марифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорларининг билим ҳамда малакаларини ошириш доимий эътиборимизда бўлди. Ҳисобот йилида маҳалла фаоллари учун 24 та ўқув-семинар, 36 та давра суҳбати ташкил этилди.

2 »

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Мақсад халқ ишончини оқлашдир

**Ҳар бир депутат зиммасида эл ишончини оқлашдек улкан масъулият бор. Буни англаган киши ҳамиша барча эзгу амалларида ўз сайловчиларининг нигоҳини, кузатувини ҳис қилиб туради.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Навбаҳор тумани «Ғужбоғ тепа» маҳалласи ҳудудидаги 17-Ўзбекистон сайлов округидан халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига сайланган Лочин Облоқулов ана шундай фидойи инсонлардан. У ўз дастури ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Обод турмуш йилида унинг ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига қатор долзарб масалалар киритилиб, ижроси таъминланди. Айниқса, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб борилди.

3 »



ҚАРОР ВА ИЖРО

## Юксак ғамхўрлик ифодаси

**Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида Бош Қомусимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган тараққиёт йўлимиз ҳақида фикр юрита туриб, «Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар», дея таъкидладилар.**

**Ю.ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Бу йил 23-маротаба қўлланилаётган амнистия актини ҳам ушбу фикрларнинг мантиқий исботи, дейиш мумкин. Кечиримлилик, инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассамлаштирган мазкур саъй-ҳаракатлар замирида адашган шахсларнин ахлоқан тузалишлари учун имконият бериш, уларни маъмурий ёки жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда тўғриликка, эзгуликка даъват этишдек хайрли амаллар мужассам.

Паркент туманининг Чанги қишлоқ фуқаролар йиғинида туғилиб, вояга етган Алижон Назарматов ҳам тўғри йўлдан адашди. Алоқа коллежини битириб, мутахассислиги бўйича ишга жойлашган йигит нафс қутқусига учди. У қилмиши учун жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди ҳукми билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, 5 йилу 3 ой озодликдан маҳрум этилди.

— Бугун жуда ҳаяжондаман, — дейди А.Назарматов. — Чунки муҳтарам Президентимиз, халқимиз хатоимни кечирди. 22 ёшдаман, айни кучга тўлган, ҳар қандай ишни уддалайдиган даврим. Худо хоҳласа, севимли ишимга қайтиб, бор кучим билан меҳнат қиламан, юртимиз истиқболига ҳисса қўшаман. Чиройли оила қуриб, ота-онамнинг ниятларини рўёбга чиқараман. Бундан кейин ҳеч қинғир ишларга аралашмасдан, бошқаларни ҳам шунга даъват этиб, ибратли умр кечиришга аҳд қилдим.

3 »

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

## Навбат — Олимпиада медалига!



**Ритм, атлетизм ва пластика. Бир-биридан фарқланувчи ушбу уч тушунчани ўзаро боғлаб, уйғун равишда тасаввур қилсангиз кўз олдингизда спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика намоён бўлади.**

**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Тўғрида, тўп, булава, ҳалқа ва тасма билан нозик машқлар, лозим бўлса мураккаб усулларни амалга ошириш кучли жисмоний тайёргарлик (атлетизм) билан бирга эгилувчан (пластик) маҳоратни ҳам талаб қилади. Боз устига, ушбу машқлар муайян мусиқа маромига мос бўлиши шарт.

Аҳамиятлиси, ушбу спорт тури инсонга жисмоний баркамоллик, соғлом турмуш тарзи, зоҳирий гўзаллик ва ботиний жозиба ҳамда руҳий тетиклик бағишлайди.

Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб муҳтарам Юртбошимизнинг бевосита раҳнамоликлари остида қизларни спортга, айниқса, унинг бадиий гимнастика турига кенг жалб этиш, шу орқали хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

4 »

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

# ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Бекмирзаев Мансур Комилжонович —** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

**Бердиев Ойбек Бахтиярович —** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

**Бобокулов Яркин Эркинович —** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Валламов Нигматилла Гайратович** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тез ҳаракат қилиш махсус отряд қутқарувчиси

**Дурдиев Йўлдош Омонович —** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иброхимов Нозимжон Осимжон ўғли —** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Илхамов Дилмурод Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ишназаров Алишер Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Кадиров Абрарбек Муродович** — Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Каримов Сулаймон Нормуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

**Матсафаев Нурбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурадов Акрам Салимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухаммадиев Нодирбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Насридинов Аҳадхон Аълохонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отамуродов Азамат Рахимович** — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси бошлиғи

**Рахмонов Бахтиёр Махмудович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ катта мутахассиси

**Рузметов Раматжон Ниёзматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штаби бўлинма бошлиғининг ўринбосари

**СагдуллаевФуркат Шукурулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби ходими

**Садиков Саид Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Саидмурадов Алишер Базарбаевич** — Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Сатилов Дилшоджон Хайиталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби хизмат бошлиғи

**Тилаболдиев Шухратжон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Турдиев Нодиржон Кобилжонович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Умаров Рустам Фаридович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразметов Икрам Тулибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уралов Абдумавлан Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Хажимирзаев Ёкубжон Фазилжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ҳакимов Қахрамон Норбўта ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Умидбек Тиловолдиевич** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Холматов Бобир Эркинович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Худайкулов Ёлкин Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Худанов Талъат Ойбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Сирожиддин Даутович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамурадов Отабек Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашев Изатулла Рихсиваевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуразаков Муратали Юлчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Абдураимов Ойбек Кошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Аскаров Султонбек Худойназарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ачилов Латиф Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бош мутахассиси

**Бекназаров Фазлиддин Хужаназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Бозоров Рустамжон Иброхим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Джураев Фарход Эшбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Исаков Дилшодбек Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Қобилов Беҳзод Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Комилов Ферузбек Садиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мадаминов Умидбек Марифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Мажидов Сухроб Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Мажитов Акмал Абдикромович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Маллаев Искандар Маматмусаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Махамадиев Элбек Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Мирзаханов Анасжон Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Наркабилов Батир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Очилов Акбар Ҳожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Ражаббаев Адилжон Нигматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Расулов Хусниддин Хашимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Сагитов Фанис Фаритович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Санакулов Жахонгир Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Саттарова Матлуба Каршиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Темиров Акбар Янгибаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Тоштемиров Мухамадали Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Туляганов Фарход Валижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Файзуллаев Мансур Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хасанов Шухрат Баходирович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Хидиров Мирхожиддин Сунатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ходжиев Рустамжон Амонович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эгамбердиев Хасан Сунатиллаевич** — Тошкент ҳарбий округи ҳарбий суди раиси

**Юнусов Элмурод Зохиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Куралбай Конгратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Абдужобборов Бахтиёржон Дастонбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Авазов Фарход Рахматуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Атнабаев Марсель Ражапович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

**Бойко Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гулямов Зохид Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Джангибаев Хасан Уролович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дружинина Нина Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош муҳандиси

**Жабборов Алишер Гаппорович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти ҳарбий-техник тайёргарлиги марказининг устаси

**Ибрагимов Аброрбек Махаммадкомилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Инамов Жасур Асатович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Иноятов Ботир Рахматович** — Термиз ҳарбий суди раиси

**Каримов Тохир Тулкунович** — Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Касимов Бахтиер Сафарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлим бошлиғи

**Косимов Ойбек Мадаминхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Муйдинов Акмал Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Муратов Алишер Турапович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Жиззах автомобиль мактабининг устаси

**Резниченко Артур Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузиматов Бобур Садиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сапаров Одил Нодиркулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суханов Насим Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлимининг катта офицери

**Тураев Ботир Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хайдаров Шавкат Бозарович** — Самарқанд ҳарбий прокурори

**Худойкулов Сабриддин Наврузович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шамудинов Шарафиддин Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Шарапов Жамил Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Анваржон Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм назоратчилар взводи секция командири

**Шукуров Шахобиддин Тилляевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

**Эркабоев Рахматилла Файзиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Жавхар Гофирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси бошқармасининг ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 январь.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## Ватан маънан жасоратли мардлар ҳимоясида



« 1

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматни ўташ шароитларини янада яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига имтиёзлар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари Қуролли Кучларимизда ўзига хос ислоҳотлар даврини бошлаб бериб, миллий армиямиз салоҳиятини оширди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган давлатимизнинг замонавий ва қудратли армияси шаклланди.

Соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаётир. Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда мазкур байрамни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Фонд республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

— Жорий йилнинг ўтган даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ватан ҳимоячилари куни байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича 976 та ташкилий қўмита таркибига фонднинг 256 нафар масъул ходими жалб этилди, — дейди Фонд республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Фуқаролар йиғинларида «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида 482241 нафар аҳоли, хусусан, 269433 нафар ёшни жалб этган ҳолда 8443 та тадбир ташкил қилинди. Шунингдек, ҳарбий қисм, ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий хизматчилар ота-оналари, маҳаллий давлат органлари, жамоатчилик ва ёшлар иштирокида ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан таништириш мақсадида 976 та «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди.

Байрам муносабати билан вилоят, туман, шаҳар марказларида, маҳаллаларда ва ҳарбий қисмларда «Ҳарбий ватанпарварлик» оммавий-ватанпарварлик ойлиги ҳамда коллеж, лицей, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида 3554 та тадбир ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Қолаверса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг ҳудудий бўлим, бўлинмалари «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири», «Энг яхши бригада командири» «Энг яхши касбий унвон» номинациялари ва «Энг яхши қўшин», «Энг яхши олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг яхши мудофаа ишлари бошқармаси», «Энг яхши сержантлар тайёрлаш мактаби» танловлари ғолибларини табриклаш ва рағбатлантириш, уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғаларни топшириш тадбирларида фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги «Туркистон» санъат саройида ўтадиган танловда ғолибларни рағбатлантириш учун Фонд республика бошқаруви ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ажратилиши режалаштирилган.

Байрам муносабати билан Ватанимизни ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлганларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, худди шундай ҳалок бўлган 588 нафар ҳарбий хизматчи оилалари ҳолидан хабар олинди ва уларга «Маҳалла» фондининг ҳудудий бўлимлари томонидан 14,8 млн. сўмлик, ҳомийларни жалб этган ҳолда 51,6 млн. сўмлик моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими, бўлинмалари томонидан белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш давом эттирилмоқда.

Бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Юрт ҳимояси йўлида жонбозлик кўрсатаётганлар хизматидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Тизимли малака ошириш — давр талаби

« 1

Айниқса, вилоятдаги барча фуқаролар йиғинлари ходимлари учун ташкил этилган уч кунлик ҳудудий ўқув-семинарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уларда тизимнинг 1043 нафар ходими туманлардаги касб-ҳунар коллежларининг махсус аудиторияларида ташкил этилган машғулотларда тўлиқ иштирок этдилар.

Ўқув-семинарларида Президентимиз томонидан илгари сурилган концепциянинг мазмун-моҳияти, улардаги ғоялар ҳамда устувор вазифаларни фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича амалга ошириладиган вазифалар таҳлил қилинди. Шунингдек, машғулотларда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилар сайлови тўғрисида»ги қонунлар ҳақида кенг тушунча берилгани 2013 йил ноябрь-декабрь ойларидаги сайловларнинг муваффақиятли ўтишида муҳим омил бўлди.

Дунёнинг бугунги глобаллашув жараёнида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни, халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган урф-одатларини сақлаб қолишда, ёшларимизни одоб-ахлоқли қилиб вояга етказишда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бораётир.

Фуқаролар йиғинларининг мафкуравий соҳадаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўқув-семинарларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Жиззах туманидаги Қўлама қишлоқ фуқаролар йиғинида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, шаҳар ва туман бўлинмалари раис ўринбосарлари, бош мутахассислари ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан ўтказилган икки кунлик тадбир ҳам айнан шу мақсадга қаратилди.

Бу йўналишда маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қўл келаётир.

Ҳа, фуқаролар йиғинлари ходимларининг билим ва малакасини ошириш бўйича қилинадиган ишларнинг кўлами кенг. Жорий йилда улар ҳажми яна ортади. Айниқса, 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтган сайловларда вилоятдаги фуқаролар йиғинлари раисларининг 57,8 фоизи, маслаҳатчиларнинг 49,4 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди.

Фуқаролар йиғинлари бошқаруви таркибидаги бу янгиланиш кадрларнинг билим ва малакасини оширишда ҳам янги вазифаларни олдинга қўймоқда. Айниқса, муҳтарам Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу жараённи янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Фонд вилоят бўлимининг 2014 йилга мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқишда бу йўналишдаги тадбирларнинг пишиқ-пухта ва амалий аҳамиятга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратдик. Белгиланган тадбирлар режасида барча ҳудудларда фуқаролар йиғинлари ходимларининг малакаларини оширишга бағишланган ўқув-семинарларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишдан тортиб, кундалик фаолиятда учрайдиган муаммоларни таҳлил қилиш, тажрибаларни оммалаштириш билан боғлиқ барча долзарб масалалар қамраб олинди. Унинг изчил амалга оширилиши фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Юксак ғамхўрлик ифодаси

« 1

Бундай орзу-ниятлар Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармасига қарашли 1-сонли тергов ҳибсхонасида Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ташкил этилган тадбирда жазо муддатидан илгари озодликка чиқарилганларнинг қалбидан кечди. Аксарияти ҳали ўттиз ёшга кириб-кирмаган адашганлар ҳаёт инсонга берилган энг катта имконият, улуғ неъмат эканини, уни қадрлаган ҳолда эзгу амалларни бош аъмолига айлантириб, она-Ватанимиз равнақига ҳисса қўшажагини, ўзларига билдирилган ишонч ва юксак ғамхўрликни оқлашга бел боғлаганини тўлиб-тошиб эътироф этишди.

— Олий Мажлиснинг мазкур қарори тўғри қўлланишини ташкил этиш, бу жараёнда суиистеъмолчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, шу билан бирга, очиқ-ошкораликни ва жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида Сенат аъзолари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман)нинг минтақавий ходимлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган, — дейди тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Акмалжон Мирзакаримов. — Асосий мақсадимиз — мазкур қарорни аниқ, ошкора ва тенглик асосида таъминлаш. Бу борада жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бир гуруҳ маҳкумларга оид ҳужжатлар билан танишиб, уларни жазони ўташдан озод этиш ҳамда ўталмай қолган муддатларини қисқартириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Дарҳақиқат, инсон шаъни ва қадр-қиммати устувор бўлган юртимизда амнистия актлари халқаро ҳуқуқий талабларга мос равишда такомиллашиб бораётир. Бу жараёнда жамоатчилик назоратининг ўрнатилгани эса, уларни амалиётда қўллашда турли тушунмовчиликлар келиб чиқиши ҳамда хатоликларнинг олдини олиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг муносиб ҳимояланишини таъминлайди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам бу борада фаол ташкилотчига айланган. Таъкидлаш жоизки, юқорида номи қайд этилган қарор туфайли озодликка чиққан шахслар, аввало, маҳалласига, оиласи бағрига қайтади. Уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, фойдали меҳнатга жалб қилиш, саломатлигини текшириш каби жараёнлар бевосита маҳалла фаоллари ёрдамида амалга оширилаётир. Фонд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўтган йилги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, худудий прокуратура органлари, ижтимоий мослашув марказлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тизимли тушунтириш ишлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, маҳалла раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари ва ички ишлар бўлимларининг профилактика инспекторларига амнистия натижасида озод этилган фуқаролар билан олиб бориладиган (ижтимоий, моддий кўникмаларини ҳосил қилишда кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, саломатлигини яхшилаш, ҳужжатларини тиклаш, айрим тоифаларига мураббийлар бириктириш каби) вазифаларни белгилаб олишга қаратилган йиғилишлар ўтказилди.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, маҳалла раислари ва кенг жамоатчилик томонидан жазони ўташ жойидан озод этилган шахслар билан 5512 маротаба тушунтириш ишлари ташкил этилди. Уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳалол меҳнат қилиб, касб-ҳунар эгаллаши тўғрисида фуқаролар йиғинларида 6564 та тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Жазодан озод этилган 5409 нафар шахснинг оилавий шароити ўрганилиб, Фонд ҳисобидан 427 нафарига 7 млн. сўм, ҳомийларни жалб этган ҳолда 2506 нафарига 72 млн. сўм ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан 448 нафарига 34 млн. сўм ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларни фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудий прокуратура органлари, меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда 2649 нафар шахснинг ишга жойлашишида амалий ёрдам берилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари соғлиқни сақлаш бўлимлари билан биргаликда жазодан озод этилиб, касаллиги аниқланган 1232 нафар шахсни даволаш муассасаларига жойлаштирилишида бош-қош бўлди. 1411 нафар шахснинг уй-жойлари таъмирлаб берилгани ҳам маҳаллага хос ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатнинг амалдаги ифодасидир.

Маҳаллаларда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар рўйхати тузилиб, улар билан мунтазам равишда тегишли тарбиявий тушунтириш тадбирлари олиб борилаётгани мазкур шахсларнинг ҳаётда қайта хатога йўл қўйишининг олдини олаётир. Шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ҳомийлар бириктирилгани ҳам жойлардаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаб, ўзаро ишонч туйғуларини оширмоқда.

Бугун ҳам маҳаллаларда иш қизғин. Фаоллар нафақат амнистия натижасида озод этилган фуқаролар билан ишлаш, балки жойларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, юрт тинчлиги ва оилалар хотиржамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

# ЯНГИ корхона — иш ўрни



**Наманган туманидаги Ғалча қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Малика холис сервис» МЧЖ бир неча йиллардан буён замонавий андозаларга мос костюм-шимлари тайёрлаши билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган эди.**

**Жамшид БЕК**
**«Mahalla»**

Унинг изланувчан раҳбари Носиржон Тўраев ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб полипропилен қоп ишлаб чиқарувчи яна бир кичик корхонани ишга туширди. Бунинг учун банкдан бир миллиард 50 миллион сўм кредит олинди. Ҳозир хорижнинг энг сўнгги русумдаги дастгоҳлари ўрнатилган цехда ҳудуддаги 6 та маҳалланинг 50 нафардан зиёд ёшлари фаолият кўрсатмоқда.

— Бундан ташқари, бизда томорқасини қўшимча даромад манбаига айлантириб, тўкин яшаётган оилалар сони кун сайин кўпайиб боряпти, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жакбарали Қирғизов. — Хусусан, Эркинбой Умаров, ака-ука Ҳасанбой ва Ҳусанбой Нуриддиновлар ташкил этган иссиқхоналарда гул етиштириш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур тажриба қишлоқ бўйича кенг оммалашмоқда. Шунингдек, тадбиркорларимиз ҳам имкониятлардан самарали фойдаланяптилар.

Янги йил байрами арафасида ишбилармон Раҳимжон Йўлдошев «Зулфия» фермер хўжалиги билан ҳамкорликда «Ғалча-2» маҳалласида янги спорт майдончасини фойдаланишга топширди. Соғлом бола йилида «Оқер» ва Неъматжон номли маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам худди шундай замонавий мажмуалар қурилиши режалаштирилган.

# Тадбиркорлар ҳар жабҳада фаол

**«Зарбдор» маҳалласи Наманган шаҳридаги энг обод ва кўркам масканлардан бирига айланмоқда. Айниқса, охирги уч-тўрт йил ичида унинг жамоли янада чирой очди.**

Замонавий гузар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, аҳоли турар-жойлари ҳудуд ободлигини таъминлаш баробарида маҳалла аҳлининг турмуш маданиятини ҳам оширмоқда. Бунда, айниқса, маҳаллий тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Одилжон Усмонов маҳалладошларига озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очиш билан кифояланиб қолмай, янги режалар устида иш бошлади. Ўтган йили ҳудуддаги ташландиқ жойларни текислаб, сув йўлларини тартибга келтирди. Бунинг натижасида обод бўлган ер майдонига маҳалла нуронийлари учун «Оталар чойхонаси» ҳамда «Маънавият маркази» қуриб берди. Яқинда мазкур биноларнинг ёнидан мўъжазгина тамаддихона ҳам ўрин олди. Тиниб-тинчимас тадбиркор ҳозирда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун стол-стул, идиш-товоқ ижарасини ҳам йўлга қўйган.

Айни вақтда ундан ибрат олган Каримжон Ҳамдамов, Қодирхон Икромов каби кўплаб тадбиркорлар ҳам маҳалла ободлиги йўлида астойдил қайғурмоқдалар.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# Мақсад халқ ишончини оқлашдир

« 1

Йил давомида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ва туман, шаҳар Кенгашлари ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида бир қанча масалалар бўйича 35 дан ортиқ депутатлик сўрови киритгани ҳам эътиборлидир.

Ўз навбатида, жойлардаги депутатлар номига сайловчилардан ижтимоий масалаларга оид, хусусан, йўл қурилиши, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр энергияси билан таъминлашга доир 60 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Депутат Навбаҳор туманида истиқомат қилувчи сайловчилари билан учрашувда Обод турмуш йили ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшларни баркамол авлод бўлиб улғайиши учун ҳар томонлама самарали йил бўлганини таъкидлади. Фуқароларнинг талаб ва истаклари асосида туманда «Ёшлар» фестивали ташкил этилгани эса ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг вилоятдаги ижроси кенг муҳокама этилди.

— Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссиясининг иш режасига асосан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг амалга оширилишида фуқаролар йиғинларининг роли» мавзусида кенгайтирилган вилоят семинари ўтказилди, — дейди депутат Л.Облоқулов. — Унда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли кенг ва атрофлича муҳокама этилди. Ҳудудларда давлат дастури ижросини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни ва улар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, депутатнинг бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланган «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» тўғрисидаги маълумотлари ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Учрашувда вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳолати таҳлил қилинди.



Мулоқотда депутат сайловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтариб, муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз режасини белгилаб олди. Айни пайтда Л.Облоқулов халқ таълими муассасаларидаги иситиш тизимида рўй бераётган муаммолар, ижтимоий таъминот, бандликни таъминлашга доир мурожаатларни ижобий ҳал этиш ҳаракатида.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# htb hi-tech bank — ишончли ҳамкорим



**Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётир.**

**Салоҳиддин АЗИМХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Striving and rising» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик фаолияти кенг қулоч ёяётгани боис банклар хизматига мурожаат қилаётганлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Биз ҳам соҳа ривожи учун яратилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бизнесимизни йўлга қўйдик: «Striving and rising» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик.

Тадбиркор учун энг муҳими — етарли сармояга эга бўлиш. Ана шу ҳаётий тамойилдан келиб чиқиб, юртимизда фаолият кўрсатаётган банклардан бири ХЁАТБ «HI-TECH BANK»ка мурожаат қилдик. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида банкнинг малакали ходимлари биз учун зарур бўлган 45 миллион сўм миқдордаги кредитни қисқа муддат ичида расмийлаштириб беришди. Очиғи, ходимларнинг хушмуомалалиги, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишидан хурсанд бўлдик. Банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган бундай тезкор ва сифатли хизматдан бошимиз кўкка етди. Натижада молия муассасаси ишончли ҳамкоримизга айланди.

Ишнинг кўзини билиб, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган кредитлардан унумли фойдаланган кишининг ошиғи олчи бўларкан. Оила аъзоларимиз ҳамда маҳалла ёшларидан иборат кичкина жамоага бирлашиб, акфа эшик-ромлари ясашга ихтисослашган цех очдик. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар деганларидек, уни ХЁАТБ «HI-TECH BANK»дан ажратилган кредит ҳисобига замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозладик, етарли миқдорда хомашё сотиб олдик.

Бугунги кунда цехимизда тайёрланаётган замонавий алюминий ҳамда пластмасса эшик ва ромлар юртдошларимизнинг хонадонларини, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини безаётир.

Келгусида фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириб, харидорлар дидига мос жавонлар, савдо пештахталари, токчалар, москит сеткалар тайёрлаш ниятидамиз. Юзага келган қўшимча иш ўринларига ёшларни жалб қиламиз. Албатта, бундай улкан режаларни амалга оширишда яна ХЁАТБ «HI-TECH BANK»нинг молиявий мададига таянамиз.

# Истиқболли лойиҳалар — тараққиёт кафолати

**«Алоқабанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қўқон филиалида оилавий тадбиркорлик, ёш ишбилармонлар ташаббуслари, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, сервис хизматлари кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда юқори сифатли замонавий технология ва ускуналар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Мижозларга банк хизматлари кўрсатиш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги хизмат турларини таклиф этиш, нақд пул тушумини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминаллари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилган дастурлар ижроси бўйича кредитлар бериш ҳам йўлга қўйилгани аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаётир.

2013 йил давомида филиал томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 9761,7 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шундан 2432,7 миллион сўми саноат, 4024,9 миллион сўми савдо ва умумий овқатланиш, 611,6 миллион сўм эса қурилиш соҳасига йўналтирилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган сармоя миқдорларининг кўпайгани жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли фаровонлиги, оилалар тўкинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Биргина тадбиркорлик фаолияти ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш асносида 110 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

«Алоқабанк» Қўқон филиали томонидан кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизматлар, яратилган қулай шароитлар мижозлар сонининг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, истиқболли лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалий ишлар эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриламал бўлаётир. Мазкур фармон ижроси юзасидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги аёлларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 457,4 миллион сўм банк кредитлари ажратилди. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш тармоқлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.




Қўқон шаҳридаги «Сангзор» кўчаси 5-уйда истиқомат қилаётган Раҳимахон Усмонова ана шундай тадбиркорлар сирасига киради. У «Муқимий нон» масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ўз бизнес режасини банк филиалига ҳавола қилди. Масаланинг моҳияти, тадбиркор аёлнинг режаларини пухта ўрганиб чиққан мутасаддилар унга 55 миллион сўм миқдорда банк кредити ажратишди. Мазкур маблағнинг асосий қисмига замонавий ишлаб чиқариш ускуналари харид қилинди, ишчи-хизматчилар учун зарур меҳнат шароитлари яратилди. Натижада бир қанча маҳаллий ёшлар кафолатли иш ўринлари билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида банк сармоялари ажратиш миқдори муттасил ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида айни мақсадлар учун 131,5 миллион сўм миқдорида банк маблағлари жалб этилди. Бунинг натижасида якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва ҳунармандлар сафи кенгайди.

Филиал томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчилари фаолиятининг қўллаб-қувватланиши, уларни дастлабки сармоялар билан таъминланиши натижасида ўз оилавий бизнесини йўлга қўйган ёшлар сони ҳам ортмоқда. Жумладан, Қўқон енгил саноат касб-ҳунар коллежини муваффақиятли тамомлаган Мафтуна Шарипова бугун ўзининг иш фаолиятидан мамнун. Унинг якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб, миллий ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида тақдим этган бизнес лойиҳаси банк филиали томонидан қўллаб-қувватланди. Унга 5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Айни кунларда Мафтуна уй шароитида мазали ва хуштаъм қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, маҳалладошлари дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2013 йил давомида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 429,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида жойларда аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолияти кенгайиб, сервис кўлами ва сифати тобора яхшиланмоқда.

Муҳими, банк филиали томонидан тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида жорий этилаётган барча истиқболли лойиҳалар, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган юздан зиёд лойиҳаларга 196,0 миллион сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Эътиборли жиҳати, «Алоқабанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қўқон филиали томонидан Соғлом бола йилида ҳам бу борадаги ишлар яна давом эттирилиб, тадбиркор ва ишбилармонларга, халқ хўжалигининг барча соҳаларига молиявий кўмак бериш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# Навбат — Олимпиада медалига!



« 1

Бунинг натижасида нафақат вилоят марказларида, балки олис қишлоқ ҳудудларида ҳам бадиий гимнастика бўйича мактаб ва тўгараклар иш бошлади. Биргина Бухоро вилоятида шу йўналиш бўйича 500 дан ортиқ гуруҳ ва тўгаракларда 1556 нафар қиз машғулот ўтамоқда. Аҳамиятлиси, қизлар саломатлигини таъминлаш йўлидаги бу ташаббус эндиликда уларнинг профессионал фаолият юритиши, халқаро майдонларда муносиб эътироф қозонишида муҳим омил бўлмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Бухоро бадиий гимнастика мактаби тарбияланувчилари орасидан қатор халқаро мусобақалар ғолиблари етишиб чиқди. Ҳуснияబону Ғуломова, Сарвина Холиқовалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Замира Саноқулова эса Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

— Бундай улкан эътироф мен учун жуда катта бахтдир, — дейди З.Саноқулова. — Ушбу мукофот келгусидаги зафарли одимларим учун рағбат бўлди. Эндиликда халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бу ишончни оқлайман.

Онаси Дилшода опа шифокор тавсиясига кўра, уни «Нафис» бадиий гимнастика спорт мажмуасининг соғломлаштириш гуруҳига етаклаб борганида Замира тўққиз ёшда эди. Гарчи бу давр бадиий гимнастика билан профессионал тарзда шуғулланиш учун нисбатан кечроқ саналса-да, қизнинг интилишлари, ғайрати мураббийларни ҳайратда қолдирди ва тез орада у асосий гуруҳга қабул қилинди. Аввалига гуруҳлараро, кейин шаҳар ҳамда вилоят миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда иштирок эта бошлади. Бадиий гимнастика бўйича биринчи мураббийи Алсина Чепкунова эса Замира эришаётган ютуқларда ўз меҳнатларининг мевасини кўриб қувонди.

Натижада, ўтган ўн йил вақт давомида Замира Саноқулова мамлакат, қитъа ва халқаро миқёсидаги бир неча мусобақаларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Уй тўридаги жавондан унинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» сингари турли мусобақалар, Россия, Германия, Греция, Италия, Испанияда ўтган халқаро турнирлар, Осиё ўйинларида қўлга киритган кубок ва медаллари ўрин олган.

— Бу ерга эса Олимпиада медалини қўймоқчиман, — дейди Замира бурчакдаги бўш жойни кўрсатиб. — Ҳозирча коллекциямда фақат шу соврин етишмаяпти. Насиб қилса уни ҳам қўлга киритаман...

Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг гимнастика факультети биринчи босқичида таҳсил олаётган қаҳрамонимиз келгусида мураббийлик соҳасида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишни мақсад қилган. У устози Римма Хохловадек ўзига хос мактаб яратмоқчи.

— Замиранинг қўлга киритган ҳар бир ютуғи, эришган муваффақияти ҳар бир маҳалладошини қувонтиради, — дейди у туғилиб-ўсган Бухоро шаҳридаги Хўжа Ғунжорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раъно Файзиева — Ахир кўз ўнгингда вояга етган қизалоқнинг шундай катта ютуқларга эришишини кўриш ҳар биримиз учун катта фахр-да. Аҳамиятлиси, Замирага эргашиб, маҳалламиздаги йигирма нафарга яқин қиз бадиий гимнастика билан шуғуллана бошлади. Тез орада уларнинг ҳам муваффақиятли парвозини кўрсак ажаб эмас.




## Заводда портлаш

**Япониянинг Йоккаити шаҳридаги «Mitsubishi Group» компаниясига қарашли заводда кучли портлаш содир бўлди.**



«Agence France-Presse»нинг полиция маълумотига таяниб хабар қилишича, қурбонлар бор. Уларнинг аниқ сони ҳамда жароҳатланганлар тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ. Бироқ маҳаллий матбуот икки кишининг ҳалок бўлгани ва 13 нафар кишининг жароҳатланганни хусусида ахборот берган. «Reuters»га кўра, қурбонлар сони беш, жароҳатланганлар эса 12 кишини ташкил этади.

Кремнийорганик бирикмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кимё заводидаги портлаш сабаблари ҳали тўлиқ ўрганилганича йўқ. Ҳодиса туфайли келиб чиққан ёнғин бартараф этилган. Воқеа жойида полиция ва қутқарув хизмати иш олиб боряпти.

## Вертолёт қулади

**АҚШнинг Виржиния штатида ҳарбий вертолётнинг қулаши икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.**



«Associated Press»нинг мамлакат ҳарбий денгиз кучлари баёнотига таяниб хабар беришича, яна бир киши бедарак йўқолган, дея эълон қилинган. Гуруҳнинг қолган икки нафар аъзоси Норфолкдаги госпиталга ётқизилган.

Ҳарбий базадан ҳавога кўтарилган «МН-53Е» русумли вертолёти ўқув машқини амалга ошираётиб бошқарувни йўқотган. Тикувчар Атлантика океанининг соҳилдан 30 километр ичкарисига қулаган.

Бортдаги ҳарбийлар бахтсиз ҳодиса рўй берган пайтда совуқ сувдан ҳимоялайдиган махсус кийимларда бўлишган. Экипажнинг бешинчи аъзосини тирик топиш эҳтимоли йўқ ҳисоби. Боиси, бундай кийимлар одамни совуқ сувдан уч соат мобайнидагина ҳимоялай олади холос.

Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

## Муҳожирлар кўпаймоқда

**Сўнгги уч йилда Германия аҳолиси муҳожирлар ҳисобига ўсган.**




«Keutsche Welle»нинг «Kestatis» — Федерал статистика бошқармаси маълумотларига таяниб маълум қилишича, 2013 йилда мамлакат аҳолиси 80,8 миллион кишига (2012 йилда 80,5 млн.) етган.

2011 йилда немислар юртига 279 минг, 2012 йилда 369 минг муҳожир келган. Дастлабки маълумотларга кўра, 2013 йилда бу кўрсаткич 400 минг кишини ташкил қилмоқда. Туғилиш, олдинги йилдагидек, ўлимдан кўра паст даражада қолган.

Испанияда эса иқтисодий инқироз туфайли аҳоли сони қисқармоқда. Миллий статистика институтининг маълумотига кўра, аҳоли сони 2012 йилда 90,3 минг кишига, 2013 йилда эса 240 минг нафарга камайган.

2008 йилда бошланган иқтисодий бўҳрон ортидан ярим миллион киши мамлакатни тарк этган. Уларнинг аксариятини 25-35 ёшдагилар ташкил қилади. 2012 йилнинг ўзида Германияга қарийб 30 минг испан келган. 2013 йилда эса уларнинг сони янада ортган.

ТАЖРИБА

# Чиқиндидан газ ва ўғит

**Бугун кашфиётлар ва ихтиролар асрида яшамоқдамиз. Айниқса, кундалик ҳаётимизда кераксиз, ортиқча нарсанинг ўзи қолмаяпти. Хусусан, чиқиндидан биогаз ва биоўғит олишни маҳаллий шароитда амалга ошириш ғояси бугун жуда долзарб.**

Ш.ЖАББОРОВ
«Mahalla»

Мамлакатимизда биогаз қурилмасининг дастлабки намунавий шакли 2011 йил 25 январда ишга туширилди. Ўрта Чирчиқ туманининг «Кучлик» маҳалласидаги 17-умумтаълим мактаби ҳамда тўрт хонадон чиқиндидан олинган биогаз билан таъминланган. Маҳалла ҳудудида гўнг ва маҳаллий чиқинди уюмлари тўпланиб қайта ишланди ҳамда биогаз ва биоўғит олинди.

Чиқиндилар — долзарб экологик муаммо. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда бир йилда 100 млн. тонна атрофида саноат, 30 млн. куб метр маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг асосий қисмини қайта ишлаб, фойда олиш мумкин. Жумладан, маиший чиқиндиларнинг таркиби ўрганилганда 5-10 фоиз қоғоз, 20-45 фоиз озиқ-овқат, 5-10 фоиз ёғоч, 3 фоиз металл, 5-10 фоиз газлама, 2 фоиз чарм ва резина, 4 фоиз шиша ҳамда пластмасса маҳсулотлари борлиги аниқланган.

Чорва гўнги тўпланиб турса, атроф-муҳитни ифлослантиради, ҳавонинг зарарланишига, турли микроорганизмлар билан ифлосланишига олиб келади. Бундан ташқари, гўнг чириши давомида атмосферага кўп миқдорда метан ва бошқа газлар ажралиб чиқади. Албатта, муаммони ҳал этишнинг самарали йўли — гўнг ва чиқиндиларни анаэробик қайта ишлашдир.

Айни шаклдаги табиий қайта ишлашдан кейин органик масса зарарсизлантирилган сифатли ўғитга айланади. Ҳисобларга кўра, биогазнинг потенциали Ўзбекистон бўйича 8,9 млрд. $м^3$дан зиёдни ташкил этади. Биогаз берувчи қурилмалар алоҳида хўжаликларни ёқилғи ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлашда асқотади.

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинидаги фермер хўжалигида биогаз қурилмаси ишга туширилди. Унда кунига 5 тонна гўнг, ўсимлик чиқиндиларини хомашё сифатида ишлатилади.

Пўлатдан ясалган биогаз қурилмасининг ютуғи шундаки, ундан узоқ муддат фойдаланиш мумкин. Асосийси, қисқа муддатда қурилади. Занглмайдиган пўлат люклар, аралаштиргичлар остидаги қирқимларнинг кучайтирилиши, кўриш дарчалари, биогаз технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. Металл реакторнинг темир-бетондан ажралиб турадиган асосий фарқи унинг енгил ечилишида(демонтаж қилиниши)дир.

Бир кунда 100 $м^3$ ҳажмли биогаз қурилмасида 300-500 $м^3$ газ ва 6 тонна биоўғит, 25 $м^3$ ҳажмлисида эса 75-125 $м^3$ газ ва 1,7 тонна биоўғит ҳосил қилинади.

Дунё бўйича муқобил энергияга катта эҳтиёж сезилаётган бугунги кунда юртимизда мана шундай тажрибаларнинг олиб борилаётгани айни муддаодир. Биогаз ва бошқа муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиб бориш нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига улкан наф келтиради, балки соф экологик ҳаётга эришиш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви Фонднинг Хатирчи тумани бўлинмаси раиси Жаҳонгир Қодировга падари бузруквори
**Бобоқул ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БИЛАСИЗМИ?

# Ақл-заковатли ва шижоатлилар йили



**Албатта, мучал йиллари муайян ҳайвоннинг фитрати, хислатидан келиб чиқиб номланган. Шу жиҳатдан, кириб келаётган от йилининг ҳам шиддаткор, илҳом берувчи, маҳорат ва фавқулодда истеъдод соҳибларини юзага чиқиши билан боғлиқ хусусияти бор.**

Шукур ЖАББОР
«Mahalla»

Отлар ҳақида барчамиз турлича маълумотга эгамиз. Шулардан бири уларнинг даволаш хусусиятидир. Умуман, от мучалида табобатда катта ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда. Бемор бўлганимизда одатда хапдори ичиш ёхуд укол олишга кўникиб қолганмиз. Табиатнинг ўзидаги шифобахш имкониятлардан, масалан, даволаниш учун ҳайвонлардан фойдаланишга кўп-да эътибор қилмаймиз. От — хосиятли жонивор, ярим дорихона. Юздан зиёд касалликни унинг воситасида даволаш мумкин. Ошқозон-ичак, бўғимлар, қандли диабет, ўт қопи, ўпка, буйрак, чурра (грижа), умуртқа поғонаси, жинсий хасталиклар ана шулар жумласидандир.

От миниш — кони фойда. У нафақат юкингизни енгил қилади, балки инсон вужудини руҳий муолажа қилувчи кучга ҳам эга. Отда юрганда бутун аъзои-баданингиз ҳаракатга келади. Айниқса, жигар, ўпка, буйрак, юрак, ошқозон-ичаклар силкинганда кишининг танасидаги қон айланиши яхшиланади. Ички аъзолар табиий массаждан ҳузурланади.

Гўжа ош истеъмол қилиб, от минсангиз ошқозон ости бези муолажадан тетикланиб, гармон ёхуд инсулин ишлаб чиқаришни бир неча ҳиссага оширади. От ҳар хил тезликда юрганда, турли тарафга йўналганда юздан зиёд ҳаракатлар содир бўлади. Буларнинг бариси инсоннинг танаси, мушаклари, асаби, руҳияти, фикр-хаёллари борингки, жисми-жонига ниҳоятда роҳат ва шифобахш таъсир кўрсатади. Боболаримиз бежизга набираларини отга миндириб, унинг юганидан ушлаб сайр эттиришмаган.

Айтишларича, отга минган кишининг ёмон ўй-хаёллари худди тумандек тарқаб кетаркан. Кайфият кўтарилиши ва руҳий тетиклик эса — ҳар қандай дарддан шифо топишнинг бошланишидир. Шунинг учун бугун тиббиётда айрим беморларни от миниш орқали даволовчи «иппотерапия» деган махсус атама ҳам пайдо бўлди. Иппотерапия (юнонча «hippos» — от) ёхуд райттерапия (даволаниш мақсадида от миниш) беморнинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий ҳолатини яхшилайди. Буни тасдиқловчи мисолларни ҳозирги замон шифокорлари ва психологлари амалиётида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ошқозон-ичак ва юрак-қон томир касалликларини даволашда эгарланмаган от миниб, сайр қилишнинг ижобий аҳамияти исботланган. От минишнинг фойдали эканни полиомелит асоратини йўқотишда, таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини, шунингдек, ақлий заифлик, тутқаноқ (эпилепсия), шизофрения(руҳий касаллик тури)ни даволашда ҳам кузатилган.

Эгарланмаган отда сайр қилиш чоғида беморнинг касалланган мушаклари уқаланади, бунинг натижасида қон ҳаракати яхшиланади. Айни паллада мушаклар қизий бошлайди (отнинг ҳарорати одамникидан юқоридир). Бу эса томирларнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. От устида мувозанатни сақлашга алоҳида эътибор қилмоқ зарур. Шунда тана мушакларининг ҳаммаси баравар таранглашади, беморнинг диққат ва иродаси бўлинмайди. Шунингдек, отда бир зайлда эркин сайр қилиш беморнинг асабини тинчлантиради, уни руҳий зўриқишдан қутқаради.

Яна бир муҳим жиҳати — от билан даволаш ҳеч қандай асорат қолдирмайди. Яъни, танада кимёвий унсурлар тўпланиши, бир аъзонинг тузалиши баробарида бошқасининг шикастланишидек нохуш ҳолатлар юз бермайди. Отлар ана шундай беҳисоб хосиятга эга жониворлардир.

ИМКОНИЯТ

# Спорт майдончалари — болаларга

**Юртимиз маҳаллаларида ёшларнинг спортга ошно тутуниб, ҳар томонлама соғлом ўсиб-улғайишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.**

Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий шаҳар бўлинмаси томонидан 2013 йил давомида 15 та болалар ҳамда 9 та мини футбол майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди, 33 таси эса таъмирдан чиқарилди.

Уларга махсус спорт анжомлари ўрнатилди. Натижада ёшлар теннис, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, сузиш, футбол каби кўплаб спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун Фонд ва ҳомийлар ҳисобидан 167 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

ИХТИРО

# Беминнат энергия манбаи

**Қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланиш экологик тоза энергия олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.**



Микро ГЭСнинг афзалликлари шундаки, конструкциясини қуриш осон, ишчи қисмларини маҳаллий хомашёлардан тайёрлаш мумкин. Шунингдек, ишлатиш жараёни жуда қулай, зарурат туғилганда бошқа ҳудудларга кўчириб ўрнатиш имкони мавжуд. Дам олиш масканлари, фермер хўжаликлари, тоғли ҳудудлар аҳолиси Микро ГЭС истеъмолчилари ҳисобланади. Бу қурилма шакли ихчам, кичик сув иншоотларига мос. Механик двигатель чархпалак шаклидаги парраклар воситасида ишлайди ва электр энергияси ҳосил қилади.

Бу ихтирони Жиззах политехника институти «Саноат технологияси» факультетининг «Электроэнергетика ва физика» кафедраси ўқитувчилари ўйлаб топишди. Бугунги кунда ушбу қурилма амалиётга жорий қилинмоқда.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

*Сендан нимани кутишаётганини билмай туриб, ҳақиқатни айтиш қийин.*

***

*Менга ёрдам беришмаганда, бундан ҳам кўпроқ нарсани уддалардим.*

***

*Сигирга какао берсанг ҳам шоколад соғиб ололмайсан.*

***

*Ҳақиқат Сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам бир қараб қўйинг.*

Шодмон ОТАБЕК.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Ш.Жабборов
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Нашр кўрсаткичи: 148 24000 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8931 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00